

# Стол тенниси мусобақалари натижалари

// 29.05.2024

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/stol-tennisi-musobaqalari-natizhalari>

«Кимё саноати ёш мутахассислари» миллий форумида иштирокчилар спорт мусобақаларида ўз корхоналари шаънини муносиб ҳимоя қилишди.



Хусусан, йигитлар ўртасида ўтказилган стол тенниси мусобақасида 1- ва 2-ўринлар «Дехқонобод калий заводи» АЖ мутахассислари Убайдулла Мусулов ва Шохрух Улашевга насиб этди. «Махам-Чирчиқ» АЖ ходими Шерзод Гафурбеков 3-ўринни эгаллади.

Стол тенниси бўйича қизлар ўртасидаги баҳсларда эса барча фахрли ўринлар «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ қизларига насиб этди. Шоҳиста Уснатдинова-1-ўрин, Багжан Кучкарова 2-ўрин, Гулнара Узакбаевалар 3-ўринни забт этишди.



**Голиб ёшларни муносиб ғалаба билан табриклаймиз.**

**«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати**